

АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ЎТКАЗИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Дата раскрытия: 29.08.2019

Жамият акциядорлари диққатига!

«Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида маълум қилади.

Жамиятнинг номи ва жойлашган ери (почта манзили): «Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти Тошкент шаҳри, Чилонзор 19-мавзе 61/2-уй.

Йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой: 2019 йил 21 сентябрь соат 11.00, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани 19-мавзе 61/2-уй, манзилидаги жамият мажлислар залида.

Жамият акциядорлари реестри тузиладиган сана:

- акциядорларни хабардор қилиш учун – 2019 йил 29 август;

- акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш учун – 2019 йил 17 сентябрь.

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. «Ўзагросуғурта» акциядорлик жамиятида Корпоратив бошқарув қоидалари тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш ва бу ҳақида хабар бериш матни шаклини тасдиқлаш.
4. «Ўзагросуғурта» акциядорлик жамиятининг “Кузатув кенгаши аъзоларини мукофотлаш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига доир ахборотлар (материаллар) билан **Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани 19-мавзе 61/2 уй, жойлашган «Ўзагросуғурта» АЖ**нинг биносида танишиш мумкин. Жамиятнинг электрон почта манзили: info@agros.uz, веб сайти: www.agros.uz.

Телефон: +998 (71) 216-57-69

Акциядорлар ва уларнинг вакиллари 2019 йил 21 сентябрь кuni соат 10:00 дан 10:55 гача рўйхатдан ўтказилади. Акциядорлардан шахсини тасдиқловчи ҳужжатга, акциядор вакилидан қонунчиликка асосан расмийлаштирилган ишончномага эга бўлишлари сўралади.

29.08.2019